O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGI
TOSHKENT SHAHAR ADLIYA BOSHQARMASI
* * *
YUNUSOBOD TUMANI
TADBIRKORLIK SUB'EKTLARIGA
DAVLAT XIZMATLARI KO'RSATISH
"YAGONA DARCHA MARKAZI"
20 17 yil " 05 " 12
999 -son
100084, Toshkent shahri, Amir Temur shoh ko'chasi, 72-uy
Tel: 235-52-52 Faks: 234-71-99

**"KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" AJ**
**акциядорларининг 2017 йил 29 ноябрдаги**
**навбатдан ташқари умумий йиғилиши**
**( 4 -сонли баённома) қарори билан тасдиқланган.**
**Йиғилиш раиси**
**________________ Ё.Э.Турсунов**

## «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» Aksiyadorlik jamiyati
## Уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 09 октябрдаги ПҚ-3317-сон қарори ҳамда "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" AJ акциядорларининг 2017 йил 29 ноябрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига асосан "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" AJ Уставига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

Устав, 1-бўлим «Умумий қоидалар» 1.1. банди ўзгартирилиб, қуйидагича ўқилсин:

| Эски таҳрир | Янги таҳрир |
|---|---|
| 1.1. "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" aksiyadorlik jamiyati Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 мартдаги "Кафолат" ДАСКни ташкил қилиш тўғрисида"ги 144-сонли қарори асосида акциядорлик жамияти ҳуқуқий шаклида ташкил қилинган. Жамиятнинг фаолият муддати чекланмаган. | 1.1. "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" aksiyadorlik jamiyatining асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 09 октябрдаги "Кафолат суғурта компанияси" Акциядорлик жамияти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3317-сон қарори билан белгилаб берилган. Жамиятнинг фаолият муддати чекланмаган. |

Устав, 1-бўлим «Умумий қоидалар» 1.4. банди ўзгартирилиб, қуйидагича ўқилсин:

| Эски таҳрир | Янги таҳрир |
|---|---|
| 1.4. Компаниянинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Мустақиллик майдони – 5.<br>Компаниянинг веб-сайти: www.kafolat.uz.<br>Компаниянинг электрон почта манзили: info@kafolat.uz. | 1.4. Компаниянинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси 13 ва 13 "А"-уй.<br>Компаниянинг веб-сайти: www.kafolat.uz.<br>Компаниянинг электрон почта манзили: info@kafolat.uz. |

Устав, 2-бўлим «Фаолиятнинг соҳаси (асосий йўналишлари), мақсад ва функциялари» 2.1-банди ўзгартирилиб, қуйидагича ўқилсин:

| Эски таҳрир | Янги таҳрир |
| --- | --- |
| 2.1. Компания фаолиятининг асосий йўналиши суғурта бозори профессионал иштирокчиси сифатида суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятдан иборатдир. Компания фаолиятининг мақсади мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш ҳамда фойда олиш. | 2.1. Компания фаолиятининг асосий йўналиши суғурта бозори профессионал иштирокчиси сифатида суғуртани амалга оширишдир. Компания фаолиятининг мақсади мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш ҳамда фойда олиш.<br>Қуйидагилар “KAFOLAT sug’urta kompaniyasi” АЖнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари сифатида белгиланди:<br>биринчи, етказилган зарар, ўт ва бахтсиз ҳодисалардан гаров ҳамда лизинг объектларини суғурталаш йўли орқали тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш суғурталарини тақдим этиш, шунингдек, мулкни, йўлдаги ускуналар ва товарларни суғурталаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини барча таваккалчиликлардан суғурталаш;<br>иккинчи, саноат корхоналарини ва иқтисодиёт тармоқларидаги қурилиш объектларини барча хавф-хатарлардан комплекс суғурталашни таъминлаш;<br>учинчи, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат дастурлари доирасида юридик ва жисмоний шахсларга суғурта ҳимоясини тақдим этиш, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда суғурта хизматларининг кенг кўламини тақдим этиш учун республиканинг барча ҳудудлари аҳолиси қамраб олинишини кенгайтириш;<br>тўртинчи, аҳолини шахсий суғурталаш бўйича, шу жумладан, инфекция орқали юқадиган касалликлардан суғурталаш бўйича суғурта ҳимоясини таъминлаш;<br>бешинчи, ёшлар учун уйлар қуриш бўйича дастурларга мувофиқ уй-жойни суғурталашни амалга ошириш;<br>олтинчи, янги инновациявий суғурта маҳсулотларини яратиш орқали суғурта фаолиятини кенгайтириш;<br>еттинчи, замонавий ахборот технологиялардан фойдаланган холда виртуал офислар ва суғурта хизматлари сотишнинг янги каналларини яратиш, онлайн тўлаш имкониятлари орқали |

| | |
|---|---|
| | интернет-магазинлардан фойдаланган холда жаҳон Интернет тизимидан фойдаланган ҳолда суғурта хизматлари сотишни ривожлантириш;<br>саккизинчи, аҳолига суғурта хизматларини кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда кўчмас мулк объектлари тўғрисидаги ахборот алмашинувини автоматлаштириш механизмларини жорий этиш;<br>тўққизинчи, суғурталаш ва қайтадан суғурталаш соҳасида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.<br>“KAFOLAT sug’urta kompaniyasi” AJ ўз тизимида:<br>ҳаётни суғурталаш бўйича масъулияти чекланган жамият шаклида ихтисослаштирилган суғурта компаниясини ташкил этади;<br>техник, тиббий ва юридик ассистанс хизматини кўрсатувчи ассистанс ташкилотини ташкил этади. |

Устав, 3-бўлим «Компания Бошқаруви» қуйидаги тахрирдаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

| **Эски таҳрир** | **Янги тахрир** |
|---|---|
| | Компания тизимида миноритар акциядорлар Қўмитаси ташкил қилинади. Миноритар акциядорлар Қўмитаси ўз фаолиятида қонун хужжатларига, ушбу Уставга ва «KAFOLAT sug’urta kompaniyasi» AJ миноритар акциядорлар Қўмитаси тўғрисидаги Низомга риоя этади.<br>Шунингдек, Компания тизимида корпоратив маслаҳатчи лавозими жорий этилади. |

Устав, 3-бўлим «Компания Бошқаруви» 3.28. банди, биринчи хатбоши ўзгартирилиб қуйидагича ўқилсин:

| **Эски таҳрир** | **Янги тахрир** |
|---|---|
| 3.28. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг тақдимномасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланган Бошқарув раиси раҳбарлик қилувчи Бошқарув компаниянинг ижроия органи ҳисобланади. Бошқарув раисини тайинлаш тўғрисида қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади. | 3.28. «KAFOLAT sug’urta kompaniyasi» AJ нинг ижро этувчи органи этиб Бошқарув ҳисобланади, жамиятнинг акциядорлари умумий йиғилишида сайланадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тасдиқланадиган раис томонидан бошқарилади. |

Устав, 4-бўлим «Устав фонди ва акциялар» 4.1. банди ўзгартирилиб қуйидагича ўқилсин:

<table>
<tr><th colspan="7">Эски таҳрир</th><th>Янги таҳрир</th></tr>
<tr><td colspan="7">4.1. Компаниянинг Устав фонди сони 31 741 677 525,0 (ўттиз бир миллиард етти юз қирқ бир миллион олти юз етмиш етти минг беш юз йигирма беш) сўм миқдорида шакллантирилган.<br>Қонунчиликда суғурта ташкилотлари устав фондларини шакллантириш учун Евро ҳисобида талаблар киритилиши муносабати билан сўмда шакллантирилган устав фонд Евро ва АҚШ доллари эквивалентига қайта ҳисоблаб чиқилди ва у қуйидаги кўринишга эга:</td><td rowspan="8">4.1. Компаниянинг Устав фонди 32 912 552 085,0 (ўттиз икки миллиард тўққиз юз ўн икки миллион беш юз эллик икки минг саксон беш) сўм миқдорида шакллантирилган.</td></tr>
<tr><td rowspan="2"></td><td rowspan="2">Жамиятнинг уставига ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтган сана</td><td colspan="3">Устав фонди миқдори</td><td colspan="2">Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган расмий курс</td></tr>
<tr><td>Сўм</td><td>АҚШ доллари</td><td>Евро</td><td>АҚШ доллари</td><td>Евро</td></tr>
<tr><td>1</td><td>04.01.2000й.</td><td>500 000 000</td><td>3 559 732</td><td>3 502 627</td><td>140,46</td><td>142,75</td></tr>
<tr><td colspan="7">05.06.2001 йилда компания устав фонди 100 000 000,0 (юз миллион) сўмга оширилган.</td></tr>
<tr><td rowspan="2"></td><td rowspan="2">Жамиятнинг уставига ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтган сана</td><td colspan="3">Устав фонди миқдори</td><td colspan="2">Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган расмий курс</td></tr>
<tr><td>Сўм</td><td>АҚШ доллари</td><td>Евро</td><td>АҚШ доллари</td><td>Евро</td></tr>
<tr><td>2</td><td>05.06.2001й.</td><td>100 000 000</td><td>278 932</td><td>327 697</td><td>358,51</td><td>305,16</td></tr>
</table>

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Жами устав фонди | 600 000 000 | 3 838 664 | 3 830 324 | | |
| 13.05.2003 йилда компания устав фонди 250 000 000,0 (икки юз эллик миллион) сўмга оширилган. | | | | | | |
| | Жамиятнинг уставига ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтган сана | Устав фонди миқдори | | | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган расмий курс | |
| | | Сўм | АҚШ доллари | Евро | АҚШ доллари | Евро |
| 3 | 13.05.2003й. | 250 000 000 | 257 899 | 222 826 | 969,37 | 1121,95 |
| | Жами устав фонди | 850 000 000 | 4 096 563 | 4 053 150 | | |
| 25.08.2004 йилда компания устав фонди 375 000 000,0 (уч юз етмиш беш миллион) сўмга оширилган. | | | | | | |
| | Жамиятнинг уставига ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтган сана | Устав фонди миқдори | | | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган расмий курс | |
| | | Сўм | АҚШ доллари | Евро | АҚШ доллари | Евро |
| 4 | 25.08.2004й. | 375 000 000 | 363 323 | 295 480 | 1032,14 | 1269,12 |
| | Жами устав фонди | 1 225 000 000 | 4 459 886 | 4 348 630 | | |

31.05.2006 йилда компания устав фонди 775 001 150,0 (етти юз етмиш беш миллион бир минг бир юз эллик) сўмга оширилган.

| | Жамиятнинг уставига ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтган сана | Устав фонди миқдори | | | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган расмий курс | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Сўм | АҚШ доллари | Евро | АҚШ доллари | Евро |
| 5 | 31.05.2006й. | 775 001 150 | 634 280 | 497 746 | 1 221,86 | 1 557,02 |
| | Жами устав фонди | 2 000 001 150 | 5 094 166 | 4 846 376 | | |

11.09.2008 йилда компания устав фонди 500 000 900,0 (беш юз миллион тўққиз юз) сўмга оширилган.

| | Жамиятнинг уставига ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтган сана | Устав фонди миқдори | | | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган расмий курс | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Сўм | АҚШ доллари | Евро | АҚШ доллари | Евро |
| 6 | 11.09.2008й. | 500 000 900 | 377 473 | 261 952 | 1 324,60 | 1 908,75 |
| | Жами устав фонди | 2 500 002 050 | 5 471 639 | 5 108 328 | | |

15.05.2009 йилда компания устав фонди 500 000 900,0 (беш юз миллион тўққиз юз) сўмга оширилган.

| | Жамиятнинг уставига ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтган сана | Устав фонди миқдори | | | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган расмий курс | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Сўм | АҚШ доллари | Евро | АҚШ доллари | Евро |
| 7 | 15.05.2009й. | 500 000 900 | 342 906 | 251 120 | 1 458,13 | 1 991,08 |
| | Жами устав фонди | 3 000 002 950 | 5 814 545 | 5 359 448 | | |

25.12.2009 йилда компания устав фонди 748 000 925,0 (етти юз қирқ саккиз миллион тўққиз юз йигирма беш) сўмга оширилган.

| | Жамиятнинг уставига ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтган сана | Устав фонди миқдори | | | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган расмий курс | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Сўм | АҚШ доллари | Евро | АҚШ доллари | Евро |
| 8 | 25.12.2009й. | 748 000 925 | 495 089 | 341 272 | 1 510,84 | 2 191,80 |
| | Жами устав фонди | 3 748 003 875 | 6 309 634 | 5 700 720 | | |

14.07.2010 йилда компания устав фонди 4 452 001 575,0 (тўрт миллиард тўрт юз эллик икки миллион бир бинг беш юз етмиш беш) сўмга оширилган.

| | Жамиятнинг уставига ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтган сана | Устав фонди миқдори | | | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган расмий курс | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Сўм | АҚШ доллари | Евро | АҚШ доллари | Евро |
| 9 | 14.07.2010й. | 4 452 001 575 | 2 781 493 | 2 207 250 | 1 600,58 | 2 016,99 |
| | Жами устав фонди | 8 200 005 450 | 9 091 127 | 7 907 970 | | |

19.06.2013 йилда компания устав фонди 1 372 245 810,0 (бир миллиард уч юз етмиш икки миллион икки юз қирқ беш минг саккиз юз ўн) сўмга оширилган.

| | Жамиятнинг уставига ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтган сана | Устав фонди миқдори | | | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган расмий курс | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Сўм | АҚШ доллари | Евро | АҚШ доллари | Евро |
| 10 | 19.07.2013й. | 1 372 245 810 | 652 990 | 507 247 | 2 101,48 | 2 705,28 |
| | Жами устав фонди | 9 572 251 260 | 9 744 117 | 8 415 217 | | |

15.12.2014 йилда компания устав фонди 16 589 477 190,0 (ўн олти миллиард беш юз саксон тўққиз миллион тўрт юз етмиш етти минг бир юз тўқсон) сўмга оширилган.

| | Жамиятнинг уставига ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтган сана | Устав фонди миқдори | | | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган расмий курс | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Сўм | АҚШ доллари | Евро | АҚШ доллари | Евро |
| 11 | 29.12.2014й. | 16 589 477 190 | 6 860 259 | 5 528 609 | 2418,20 | 3000,66 |
| | Жами устав фонди | 26 161 728 450 | 16 604 376 | 13 943 826 | | |

28.01.2015 йилда компания устав фонди 1 994 145 735,0 (бир миллиард тўққиз юз тўқсон тўрт миллион бир юз қирқ беш минг етти юз ўттиз беш) сўмга оширилган.

| | Жамиятнинг уставига ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтган сана | Устав фонди миқдори | | | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган расмий курс | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Сўм | АҚШ доллари | Евро | АҚШ доллари | Евро |
| 12 | 02.02.2015й. | 1 994 145 735,0 | 818 561 | 704 588 | 2436,16 | 2830,23 |
| | Жами устав фонди | 28 155 874 185,0 | 17 422 937 | 14 648 414 | | |

17.06.2015 йилда компания устав фонди 1 774 606 755,0 (бир миллиард етти юз етмиш тўрт миллион олти юз олти минг етти юз эллик беш) сўмга оширилган.

| | Жамиятнинг уставига ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтган сана | Устав фонди миқдори | | | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган расмий курс | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Сўм | АҚШ доллари | Евро | АҚШ доллари | Евро |
| 13 | 19.06.2015й. | 1 774 606 755,0 | 696 957 | 619 824 | 2546,22 | 2863,08 |
| | Жами устав фонди | 29 930 480 940,0 | 18 119 894 | 15 268 238 | | |

25.04.2017 йилда компания устав фонди 1 811 196 585,0 (бир миллиард саккиз юз ўн бир миллион бир юз тўқсон олти минг  беш юз саксон беш) сўмга оширилган.

| | Жамиятнинг уставига ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтган сана | Устав фонди миқдори | | | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган расмий курс | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Сўм | АҚШ доллари | Евро | АҚШ доллари | Евро |
| 14 | 18.05.2017й. | 1 811 196 585 | 488 691 | 456 512 | 3706,22 | 3967,46 |
| | Жами устав фонди | 31 741 677 525 | 18  608 585 | 15 724 750 | | |

Устав, 4-бўлим «Устав фонди ва акциялар» 4.2 банди ўзгартирилиб, қуйидагича ўқилсин:

| **Эски тахрир** | **Янги тахрир** |
|---|---|
| 4.2. Компания акциядорлари томонидан сотиб олинган (жойлаштирилган) акцияларнинг сони 31 741 677 525,0 (ўттиз бир миллиард етти юз қирқ бир миллион олти юз етмиш етти минг беш юз | 4.2. Компания акциядорлари томонидан сотиб олинган (жойлаштирилган) акцияларнинг сони  32 912 552 085  (ўттиз икки миллиард тўққиз юз ўн икки миллион беш юз эллик икки минг |

| | |
|---|---|
| йигирма беш) дона эгасининг номи ёзилган акциялардан иборат. Шундан, 31 733 002 525 (ўттиз бир миллиард етти юз ўттиз уч миллион икки минг беш юз йигирма беш) донаси оддий ва 8 675 000 (саккиз миллион олти юз етмиш беш минг) донаси имтиёзли акциялардир.<br>Бир дона акциянинг номинал қиймати 1,0 (бир) сўмни ташкил этади.<br>Компания жойлаштирилган акцияларга қўшимча ҳар бирининг номинал қиймати 1,0 (бир) сўм бўлган 13 529 686 783,0 (ўн уч миллиард беш юз йигирма тўққиз миллион олти юз саксон олти минг етти юз уч) дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларни ҳамда 1 505 000,0 (бир миллион беш юз беш минг) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақлидир. | саксон беш) дона эгасининг номи ёзилган акциялардан иборат. Шундан, 32 903 557 085 (ўттиз икки миллиард тўққиз юз уч миллион беш юз эллик етти минг саксон беш) донаси оддий ва 8 995 000 (саккиз миллион тўққиз юз тўқсон беш минг) донаси имтиёзли акциялардир.<br>Бир дона акциянинг номинал қиймати 1,0 (бир) сўмни ташкил этади.<br>Компания жойлаштирилган акцияларга қўшимча ҳар бирининг номинал қиймати 1,0 (бир) сўм бўлган 12 359 132 223 (ўн икки миллиард уч юз эллик тўққиз миллион бир юз ўттиз икки минг икки юз йигирма уч) дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларни ҳамда 1 185 000 (бир миллион бир юз саксон беш минг) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақлидир. |

Устав, 4-бўлим «Устав фонди ва акциялар» 4.5 банди ўзгартирилиб, қуйидагича ўқилсин:

| **Эски тахрир** | **Янги тахрир** |
|---|---|
| 4.5. Компаниянинг Устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шунингдек акцияларнинг бир қисмини кейинчалик муомаладан чиқариш шарти билан қайтариб сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин. Бунда Компания Устав фондини, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мазкур Уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар рўйхатга олинган кундаги курси бўйича, бир миллион беш юз минг Еврога эквивалентидан кам миқдоргача камайтиришга ҳақли эмас.<br>Компания Устав фондини камайтириш ҳақида қарор қабул қилинган кундан бошлаб кечи билан 30 кун ичида бу қарор хусусида ўз кредиторларини ёзма равишда хабардор қилади. Кредиторлар хабарнома юборилган кундан эътиборан кечи билан 30 кун ичида Компаниядан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин ижро этишни ва устав фондини камайтирилиши билан боғлиқ зарарни тўлашни талаб килишга хакли.<br>Акцияларнинг муомалада бўлиш тартиби, улар эгаларининг ҳуқуқ, ва бурчлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари, унинг ҳудудида амал қилувчи қонун ҳамда меъёрий ҳужжатлар ва ушбу Устав билан белгилаб қўйилади. | 4.5. Компаниянинг Устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шунингдек акцияларнинг бир қисмини кейинчалик муомаладан чиқариш шарти билан қайтариб сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин. Бунда Компания Устав фондини 7 500 000 000,0 (етти миллиард беш юз миллион) сўмдан кам миқдоргача камайтиришга ҳақли эмас.<br>Компания Устав фондини камайтириш ҳақида қарор қабул қилинган кундан бошлаб кечи билан 30 кун ичида бу қарор хусусида ўз кредиторларини ёзма равишда хабардор қилади. Кредиторлар хабарнома юборилган кундан эътиборан кечи билан 30 кун ичида Компаниядан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин ижро этишни ва устав фондини камайтирилиши билан боғлиқ зарарни тўлашни талаб килишга хакли.<br>Акцияларнинг муомалада бўлиш тартиби, улар эгаларининг ҳуқуқ, ва бурчлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари, унинг ҳудудида амал қилувчи қонун ҳамда меъёрий ҳужжатлар ва ушбу Устав билан белгилаб қўйилади. |

Устав, 5-бўлим « Компаниянинг суғурта захиралари, фондлари ва соф активлари» 5.4. банди ўзгартирилиб, қуйидагича ўқилсин:

| Эски тахрир | Янги тахрир |
|---|---|
| 5.4. Компания соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича, компания активлари ва мажбуриятларининг умумий суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.<br>Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин компания акциядорларининг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижаларига мувофиқ компания соф активларининг қиймати унинг устав фондидан (устав капиталидан) оз бўлиб чиқса, компания ўз устав фондини (устав капиталини) соф активлари қийматидан ошиб кетмайдиган миқдоргача камайтиришини эълон қилиши шарт.<br>Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин компания акциядорларининг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижаларига кўра жамият соф активларининг қиймати компания устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори Компания давлат рўйхатидан ўтказилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича тўрт юз минг АҚШ долларига тенг суммадан оз бўлиб чиқса, компания ўзининг тугатилиши ҳақида қарор қабул қилиши шарт.<br>Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш ёки компанияни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинмаган тақдирда унинг акциядорлари, кредиторлари, шунингдек ваколатли давлат органлари компанияни суд тартибида тугатишни талаб қилишга ҳақли. | 5.4. Компания соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича, компания активлари ва мажбуриятларининг умумий суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.<br>Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин компания акциядорларининг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижаларига мувофиқ компания соф активларининг қиймати унинг устав фондидан (устав капиталидан) оз бўлиб чиқса, компания ўз устав фондини (устав капиталини) соф активлари қийматидан ошиб кетмайдиган миқдоргача камайтиришини эълон қилиши шарт.<br>Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин компания акциядорларининг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижаларига кўра компания соф активларининг қиймати қонунчилик билан акциядорлик жамиятлари учун ўрнатилган устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдоридан оз бўлиб чиқса, компания ўзининг тугатилиши ҳақида қарор қабул қилиши шарт.<br>Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш ёки компанияни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинмаган тақдирда унинг акциядорлари, кредиторлари, шунингдек ваколатли давлат органлари компанияни суд тартибида тугатишни талаб қилишга ҳақли. |

Устав, 14-бўлим « Компанияни тугатиш» 14.1 бандидаги “хўжалик судининг” сўзлари “иқтисодий суднинг” сўзи билан ва 14.2. бандидаги “хўжалик суди” сўзлари “иқтисодий суди” сўзлари билан алмаштириб ўқилсин:

Прошито и пронумеровано
12 (двенадцать) листов

Председатель
Правления ____________________ С. Насретдинов

Зам.гл. бухгалтера ____________________ Э. Исхакова